ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# ИШДА ИЗЧИЛЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кадрлар билан ишлашни яхшилаш, партия, давлат интизомини янада мустаҳкамлаш асосида республикада социал-иқтисодий тараққиётнинг туб вазифаларини янада муваффақиятли амалга ошириш масалаларини муҳокама қилганига кўп бўлгани йўқ. Хўш, пленум кўрсатмалари қандай бажарилмоқда? Партиявий-ташкилий ва партиявий иш қандай янги тажрибалар билан бойитилмоқда? «Совет Ўзбекистони» мухбири шу сингари саволлар билан Фарғона областининг бир группа партия активларига мурожаат этди. Қуйида уларнинг жавобларини ўқийсиз.**

## ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ

**Т. ИСҲОҚОВА,**
**Риштон районидаги «Риштон» совхози сут соғувчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси**

— Ғоят ишчанлик, юксак партиявий талабчанлик, принципиал танқид руҳида ўтган пленумдан ўз коллективимизга зўр таассурот билан қайтган, ишни пленум кўрсатмалари асосида ташкил этишга киришган кунларимиздаги кўтаринкилик, ўз меҳнатимизга, унинг якунларига янгича бир назар ташлай бошлаган кезларимиздаги масъулият ҳисси бир умрга етгулик. Маълумки, пленумда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш салмоғи-ю сифати ҳозирги эҳтиёждан орқада қолаётганлиги, бу оқсашни бартараф этиш йўллари ҳақида ҳам сўз борди. Шу талаблар асосида ишимизни чуқур таҳлил қилиб чиқдик. Тўғри, районимиз хўжаликлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик тўйи шарафига мусобақани авж олдириб, биринчи ярим йилда чорва маҳсулотлари етиштириш суръатини ўтган йилнинг шу муддатидагидан анча оширдилар. Чунончи, гўшт сотиш — 12, сут —4, тухум—26 процент кўпайди.

Бироқ бу суръат бизни асло қаноатлантирмайди. Ҳали чорвачиликдаги бир қатор имкониятлардан етарли фойдаланилмаяпти.

Бизнинг совхозни олайлик. Озуқа етишмаслиги, қорамоллар, айниқса соғин сигирлар бош сони камайиб бораётганлиги учун кейинги бир йилда давлатга пландан 159 тонна кам сут топширилди. Бошқа хўжалик ва ташкилотлардан пичан, силос, сенаж, ем сотиб олишга ҳануз барҳам берилгани йўқ. Бир йилда чорва озуқасини сотиб олиш учун 166 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб юборилди.

Партия комитети совхоз ишлаб чиқаришига раҳбарликни етарли йўлга қўймаганлиги, ўрта бўғин кадрлари, мутахассисларга талабчанликни бўшаштириб юборганлиги барча соҳаларда судралишга сабаб бўлаётир. Пленум якунларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинган партия йиғилишида, партия группалари ва цех партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу нуқсонлар рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Коммунистлар маҳсулот реализация қилиш камайиб кетаётгани, фойда олиш плани бажарилмаётганини айтиб, мутахассисларни, ишни тўғри ташкил эта олмаган ўрта бўғин кадрларини ошкора танқид қилишди. Бу, деб кўрсатишди улар, қўшимча ҳақнинг камайишига, ишчиларнинг ўртача иш ҳақининг камайишига олиб келаётир.

Партия комитети социалистик мусобақани самарали ташкил этиш, илғорларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш масалалари билан изчил шуғулланмаяпти. Камчиликларга барҳам бериш учун оқилона чоралар кўрилмаётир. Ҳар бир коммунистни ўз участкасидаги аҳвол учун партиявий масъулиятни чуқур ҳис этиш руҳида тарбиялашга, уларнинг меҳнатдаги авангардлигини, юксак пировард натижалар учун мусобақада байроқдорлигини таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Акс ҳолда дағал хашак тайёрлаш ўтган йилгидан паст суръат билан олиб борилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Шуни ҳам айтиш керакки, наслчилик ишида ҳам камчиликлар етарли. «Ҳамзаобод» наслчилик совхози барча хўжаликларни зотли ғунажинлар билан тўла таъминлай олмаяпти. Шуни ҳисобга олиб, наслчиликка ихтисослашган хўжаликларни кенгайтирмоқ лозим.

Бизнинг бўлим коммунистлари, барча чорвадорлар пленум кўрсатмаларини баланд руҳ билан кутиб олиб, шахсий масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда уларни бажаришга изчил киришдилар. Коммунистлар бу курашнинг жонкуяр ташкилотчилари бўлиб қолишди: «Большевик» бўлими сутчилик фермасида хлорелла ва озуқа цехлари ишлаб турибди. Бу қорамолларга етарли сершира озуқа етказиб бериш имконини яратяпти. Ўзимга 35 бош сигир бириктириб берилган. Юбилей йилида уларнинг ҳар биридан тўрт минг литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқдаман. Йиллик планни эса муддатидан илгари — шонли юбилей арафасида бажараман.

## ПУХТА ИНТИЗОМ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

**Л. РОСТОВА,**
**Марғилон шойи комбинатининг мастер ёрдамчиси, область партия комитети аъзолигига кандидат**

— Тўқимачилар шаҳри — Марғилон меҳнаткашлари конкрет мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида тобора ташаббускорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича тўққиз ойлик план топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Биз буни, энг аввало, партия ташкилотларининг кадрлар масъулиятини ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш борасидаги иш савияси кўтарилганлиги билан боғламоқдамиз.

Бироқ пленум кўрсатиб ўтганидек, дабдабабозлик ва хотиржамликка ҳали узил-кесил чек қўйилгани йўқ. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг бир қатор етилган муаммолари ишчанлик билан ҳал этилмаётир, самарадорлик ва маҳсулот сифатини оширишнинг барча резервлари тўла ҳаракатга келтирилмаяпти. Давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот салмоғи ошмаётгани, шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилиши таъминланмаётгани фикримизнинг далилидир.

Ўзимизнинг шойи комбинатимизни олайлик. Олий сифат категориясидаги маҳсулотларни етказиб бериш плани бажарилмай келаётганига бизда ускуналарнинг эскилиги, хом ашё сифатининг пастлиги сингари сабабларни рўкач қилишга ўрганиб қолишган. Бу, табиийки, ўз нуқсонларимизни хас-пўшлашга, эскича қолипда ишлашни давом эттираверишга, ички резервларни илғаб олмасликка олиб келяпти. Кўпинча зарур бўёқлар топилмай қолишини, пардозлов ишлаб чиқаришида яроқсиз ҳолга келиб қолган химикатларни ҳам кўра-била туриб ишлата бериш туфайли брак маҳсулот кўпайишини яна қандай изоҳласа бўлади, ахир? Комбинатимизда қанчадан қанча малакали инженерлар бор. Уларнинг кўпчилиги партия аъзолари. Лекин улар маҳсулот сифатини инженерлик жиҳатидан таъминлаш билан изчил, собитқадам шуғулланмайдилар.

Маълумки, пленумда ишнинг муваффақияти зарур ишлаб чиқариш ва маиший шарт-шароитлар яратилишига кўп жиҳатдан боғлиқлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Комбинатимизда бу борада ҳам камчиликлар оз эмас. Худди шу нарса шикоятлар кўпайишига олиб келяпти.

Тўғри, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан амалий чоралар кўриляпти. Бироқ кўпинча: «Қўлдан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида юзакичиликка йўл қўйиляпти. Ўтган қиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқарилмаганлиги кўриниб турибди. Ўшанда ваъдага сахий бўлишганди. Лекин амалий иш — тўқимачилар шаҳарчасида кварталлар ичидаги иссиқлик тармоқларини ремонт қилиш кечиктириб юборилди. Шаҳар ижроия комитети, комбинат раҳбарлари қиш яқинлашиб қолган шу кунларда ҳам бу ишга чинакамига киришганлари йўқ.

Булар нимани кўрсатади? Энг аввало, бу нуқсонлар ҳар бир иш жойида, бошқарувнинг ҳар бир бўғинида ҳануз чинакам ишчанлик вазияти яратилмаганлигидан далолатдир. Демак, партия ташкилотлари пленум белгилаган йўлни оғишмай ўтказишлари, хар бир ходим, у хоҳ ишчи, хоҳ раҳбар бўлсин, — ўз участкасида пухта тартиб-интизом ўрнатилишига эришмоғини таъминлашлари керак.

## УЮШҚОҚЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

**Г. МУСИНА,**
**Фарғона пойабзал фабрикаси ишчиси, область партия комитети аъзолигига кандидат**

— Корхонамиз коммунистлари, барча пойабзалчиларимизнинг куч-ғайрати ва ижодкорлиги ишлаб чиқариш ҳажмини янада ўстириш, маҳсулот турини кўпайтира бориб, унинг сифатини яхшилаш учун курашга сафарбар этилмоқда. Бу — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қўйган талаблардир.

Кейинги вақтда пойабзалнинг янги, харидоргир турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу беш йилликда 10 та янги технологик ускуна ўрнатилди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усули тобора кенг жорий этилаётир. Ҳозирда жами меҳнатчиларнинг 67 проценти шундай коллективларда ишламоқда.

Пойабзалчиларимиз орасида ишлаб чиқариш илғорлари оз эмас. Улар ишнинг пировард натижаси учун сидқидилдан жон куйдиришади, ҳар бир янгиликни ва ибратли тажрибани вақтида илғаб олиб, ўз ишларида жорий этишади. Уларнинг кўпчилиги тадбиркор мураббийлар, барча янги, илғор нарсаларнинг тарғиботчиларидир. Бу кишилар коллективимизнинг ўзагини ташкил этишади, уларнинг ишга муносабати мезонга айланган. Партия бюроси, цех партия ташкилотлари ҳам уларнинг бу хатти-ҳаракатини ҳамиша рағбатлантирмоқдалар, қолоқларсиз ишлаш ҳаракатини кучайтирмоқдалар. Бироқ, барча партия ташкилотчиларининг иши ҳали тўла изчиллик касб этгани йўқ. Ҳар бир меҳнатчига, унинг касб маҳоратини ошириш, унда ўз ишига юксак онгли, ижодий муносабатни тарбиялашга конкрет ёндашув ҳамон шаклланмаган. Ҳар ҳолда бундай ишнинг таъсирчанлиги, амалий самаралари ҳали яққол кўзга ташланаётгани йўқ. Корхонамизда содир бўлаётган у ёки бу камчиликнинг сабаби ҳам мана шунда.

Планни олиб кўрайлик. Унинг асосий кўрсаткичи бажарилмоқда, бироқ турлари бўйича маҳсулотни тўла етказиб бера олмаяпмиз. Пойабзалларимиз сифати ҳам харидорларда эътироз туғдирмоқда. Кўплаб маҳсулот сифатсизлиги учун корхонага қайтариляпти, жарима камаймаётир. Бу эса биз олаётган фойдани хўплаб юбораётир. Натижада моддий манфаатдорликни ошириш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш имкониятларимиз ҳануз чекланганлигича қолмоқда. Бу ўринда биз коммунистларнинг айбимиз катта, албатта.

Цех ва участкаларнинг партия ташкилотлари ишлаб чиқариш бир маромда аниқ йўлга қўйилишида коммунистларнинг авангардлигини таъминлай олмаяптилар. Партия бюроси ўрта бўғин раҳбарларига талабчанликни бўшаштириб юборди, ижрони текшириш суст. Бу муросасозликнинг натижаси эса кўзга яққол ташланиб турибди: омборларимизда бугун деярли бир миллион сўмлик пойабзал йиғилиб қолган. Бу — бир маромда, планли ишлашни билдирадими? Йўқ, албатта. Бу — хўжасизликдир.

Яна бир муаммони тилга олмай бўлмайди. Мен интизомни, уюшқоқликни кўзда тутяпман. Корхонамизда тартиб-қоидани бузувчилар топилиб туради. Кечикиб келиш, ишга чиқмаслик, социалистик мулкни талон-торож қилиш, жамоат тартибини, бузиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш фактлари иш маромини бузмоқда. Ҳисоб-китоб иши жиддий йўлга қўйилмаган.

Бизни яна бир масала ҳамиша ташвишлантириб келади. Қўқон кўн заводи хом ашёни вақтида етказиб бермайди. Кўпинча хом ашё сифати паст. Бу ҳам иш маромини бузади, албатта. Лекин маҳсулот сифати ҳамиша ҳам талабга жавоб бермаслигида ўзимизнинг айбимиз ҳам оз эмас. Буни қарангки, моделчиларимиз муайян размердаги янги пойабзални таклиф этишади. У кўплаб ишлаб чиқарилади. Биз уни магазинлардан сотиб олиб киймоқчи бўламиз. Лекин... размери тўғри келмайди. Шунда моделчиларга мурожаат қиламиз. Улар ҳам «асосли» жавоб топишади: оёғингиз ностандарт. Кулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан шундай ҳолларда. Агар нарсаларни ўз номи билан атайдиган бўлсак, бу ҳам кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

**Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари мана шундай нуқсонларга чек қўймоқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми кўрсатмалари оғишмай бажарилишини таъминламоқлари лозим. Коммунистлар, комсомоллар бу ишга бош-қош бўлишлари зарур. Ҳар бир иш жойида, — у хоҳ дастгоҳ ёни, хоҳ нуфузли раҳбар кабинети бўлсин, — пухта тартиб-интизом, уюшқоқликни таъминламай туриб, партия белгилаб берган жуда катта вазифаларни тўла бажариш, ўн биринчи беш йилликни муносиб якунлаш амри маҳол. Буни ҳар бир ишчи, ҳар бир ходим аниқ-равшан билиб ҳис этиши керак.**

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

# ЭЛ ФАРЗАНДИ

*Н. Айтоқов туғилган куннинг 90 йиллигига*

Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг большевиклар партияси олдида турган энг қийин вазифалардан бири кенг меҳнаткашлар оммасини жамиятни бошқаришга жалб этиш эди. «Капитализм ишчи ва меҳнаткаш деҳқонлар орасидаги жуда кўп талантларни бўғиб, эзиб, янчиб келди, — деб ёзган эди В. И. Ленин 1919 йилнинг октябрида. — Бу талантлар муҳтожлик, қашшоқлик, кишилик шахсини таҳқирлаш зулми остида эзилиб, нобуд бўлиб кетардилар. Эндиликда бизнинг вазифамиз бу талантларни топа билишдан ва уларни ишга солишдан иборат». Ана шундай талантлардан ва ташкилотчилардан, халқ орасидан чиққан ва партия тарбиялаган янги типдаги давлат арбобларидан бири — Недирбой Айтоқов эди.



Н. Айтоқов 1894 йилда Закаспий областининг Манғишлоқ уезди (ҳозир Қозоғистон ССР Манғишлоқ области)даги Оқчуқур деган жойда, камбағал балиқчи оиласида туғилди. Недирбой беш ёшлигида отасидан жудо бўлди.

1919 йили Айтоқовлар оиласи Закаспий областининг Красноводск уездидаги Жебель волостига кўчиб келишди. Недирбой бу ерда ҳам анчагача ишсиз, дуч келган юмушларни бажариб кун кўриб юрди. 1920 йилда Красноводск уездидан оқ гвардиячилар ва чет эл интервентлари ҳайдаб юборилгач, Недирбой Айтоқов ҳаётида жиддий ўзгариш юз берди. Чунки, ҳамма ерда бўлгани сингари бу ерда ҳам Совет ҳокимияти давлат қурилишига маҳаллий аҳолини жалб қилиш сиёсатини ўтказа бошлади. Ҳокимият органларининг меҳнаткашлар оммасига яқинлашуви аҳолининг сиёсий активлигини оширди.

Недирбой Айтоқов большевиклар партияси даъватига қўшилган ва совет активистига айланган биринчи туркманлардан эди. 1920 йилнинг мартидаёқ Жебель овул Совети раисининг ўринбосари қилиб сайланган Н. Айтоқов Ленин ғояларини қалбига жо қилиб уларни омма орасида ёйишга киришди. Ҳалол ва серғайрат совет ходими сифатида ўзини кўрсатди, Жебель волость ревкомининг аъзоси, волость ЗАГСи мудири, Красноводск уезд ижроия комитети социал таъминот бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади.

1921 йил июлида Красноводск уезд-шаҳар Советининг раиси қилиб сайланган Н. Айтоқов жуда оғир ва мураккаб шароитларда ишлади. 1922 йил январида большевиклар партияси сафига кирган Недирбой оғир участкаларда ҳалол, принципиал ва виждонан ишлаб ҳурмат-эътибор қозонди. Красноводск уезд-шаҳар комитети ижроия бюросининг ҳамда Туркманистон область партия комитетининг аъзоси қилиб сайланди. У Туркистон Советларининг X ва XI съездларида делегат сифатида қатнашди. Советларнинг Бутунроссия X съезди ва СССР Советларининг I съезди делегати сифатида у Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилиши ҳақида Декларация ва Шартнома қабул қилинишида қатнашди, СССР Марказий Ижроия Комитети аъзолигига сайланди. 1923 йилнинг бошларида ТАССР МИКга ишга ўтказилган Недирбой Айтоқов 1924 январидан Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси бўлиб ишлай бошлади.

Ўрта Осиё давлат ҳокимиятининг турли органларида ишлаш чекка бир қишлоқдан чиққан йигит дунёқарашини кенгайтирди, унинг Октябрь революцияси мамлакатнинг бошқа қардош халқлари сингари туркман халқининг ҳам туб манфаатларига мос тушади, деган эътиқодини янада мустаҳкамлади. Н. Айтоқовнинг ТАССР Марказий Ижроия Комитетидаги фаолияти бундан гувоҳлик беради. Унинг шу лавозимда ишлаш даври Ўрта Осиё халқлари ҳаётида муҳим тарихий тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш пайтига тўғри келди. 1924 йилнинг бошларида Ўрта Осиёдаги партия ва совет органлари РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати раҳбарлигида миллий чегараланишни амалга оширишга киришдилар.

Туркистон Компартияси Марказий Комитети ва ТАССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси сифатида Н. Айтоқов турли комиссиялар ишида, кенгашларда, партия ва совет органлари пленумларида қатнашди, миллий чегараланиш ғоясини илгари сурди.

1924 йилнинг 27 октябрида СССР Марказий Ижроия Комитети миллий чегараланиш ва совет миллий давлатларини тузиш ҳақидаги тарихий қарорни қабул қилди. 1924 йилнинг 5 ноябрида СССР МИК қарори билан Туркманистон ССР Ревкоми тузилди. Ревком раиси Н. Айтоқов янги маъмурий-территориал бўлинишга мувофиқ ҳокимиятнинг республика ва маҳаллий органлари структурасини ишлаб чиқиш соҳасида катта ишлар қилди.

1925 йилнинг 15—24 февраль кунлари Советларнинг Бутунтуркистон таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда Туркманистон ССР тузилиши жараёнига якун ясалди. Съезддан сўнг ўтган Туркманистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг биринчи сессиясида Н. Айтоқов раислигида МИК Президиуми сайланди. Кейинчалик у СССР МИК Раиси ўринбосарлигига сайланиб, узоқ йиллар Бутуниттифоқ оқсоқоли — М. И. Калинин раҳбарлигида ишлади. 1937 йилнинг июлигача ана шу мўътабар ва масъул лавозимларда ишлаган Недир Айтоқовнинг ташкилотчилик қобилияти ва Ленин типидаги давлат арбобининг таланти ёрқин намоён бўлди.

Н. Айтоқов Туркманистон КП(б) Марказий Комитети бюросининг аъзоси сифатида социализмга ўтиш босқичида партия умумий сиёсий йўлини белгилашда фаол қатнашди. Унинг Туркманистон КП(б) Марказий Комитети пленумлари ва мажлисларида республика совет ва жамоат ташкилотлари ишини такомиллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида синфий сиёсатни ишлаб чиқиш масалалари юзасидан қилган докладлари, сўзлаган нутқлари ҳамиша далилларга асосланганлиги, туркман овули ҳаётини яхши билиши билан ажралиб турарди.

Партия ва давлат ишлари билан ҳамиша банд бўлишига қарамай Н. Айтоқов республика матбуотида актив қатнашиб турарди. Унинг пропагандистик мақолаларида Совет ҳокимияти иқтисодий сиёсатининг, жумладан, қишлоқ хўжалик солиғи ва ер-сув ислоҳати ўтказиш соҳасидаги иқтисодий сиёсатининг синфий моҳияти тушунтириб бериларди. Уларда туркман хотин-қизларини озодликка чиқариш, республикада халқ маорифини ва маданиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериларди.

Н. Айтоқов туркман тилида марксча-ленинча адабиёт яратиш ишига ҳам жуда катта ҳисса қўшди. Жумладан, 1930 йилда Н. Айтоқов томонидан таржима қилиниб 12 босма табоқ ҳажмида нашр этилган В. И. Лениннинг «Кооперация тўғрисида. Мақолалар ва нутқлар» тўплами жаҳон пролетариати доҳийси асарларининг туркман тилида чиқарилган биринчи энг йирик мажмуаси эди. Қишлоқ хўжалигини оммавий коллективлаштириш авж олдирилган ўша кезларда Ленин асарларининг туркман тилида нашр этишнинг аҳамияти беқиёс эди.

Н. Айтоқов халқ орасидан чиққан туғма ташкилотчи талант эгаси эди. Партия уни тарбиялади ва мамлакатимизда социалистик қурилишнинг йирик ташкилотчиларидан бири қилиб етиштирди: У йирик давлат арбоби бўлгани ҳолда ўта оддий ва камтарин эди. Халқ хотирасида ҳам шундайлигича сақланиб қолди.

**Г. ГАДЕЛЬШИН,**
**КПСС Марказий Комитети қошидаги Марксизм-ленинизм институти Туркманистон филиалининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

**ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР**

## ИЗЧИЛ ТИНЧЛИК СИЁСАТИ

**Ўртоқ К. У. Черненконинг «Вашингтон пост» газетаси саволларига қайтарган жавоблари хусусида халқаро миқёсда жуда кўп фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.**

Америка матбуоти, радио ва телевидениеси қурол-яроғларни чеклаш соҳасида Вашингтоннинг расмий доиралари олдида К. У. Черненко қўйган масалаларга катта эътибор бериб, Оқ уйнинг бу масалаларга ижобий жавоб қайтариши Совет — Америка муносабатларида ижобий силжиш бўлишига олиб борган бўлур эди, деб таъкидламоқда. Америка оммавий ахборот воситалари қурол-яроғларни чеклаш соҳасидаги асосий йўналишларни тилга олиб, К. У. Черненконинг жавобларида аниқ-равшан таърифлаб берилган бу йўналишлар уруш хавфини камайтириш ва иккала мамлакатнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан АҚШ билан биринчи галдаги аҳдномаларга эришиш учун совет кун тартибидан иборат эканини уқтирмоқда. Шарҳларда АҚШ маъмурияти СССРга ижобий жавоб бермай, шу билан бирга очиқдан очиқ сайловолди характеридаги найрангларни ишлатмоқда — «Вашингтоннинг тинчликпарварлиги» тўғрисида умумий ваъдалар бермоқда, мулоқот ва Америка — Совет муносабатларининг истиқболлари хусусида ясама умидкорлик руҳида баёнотлар эълон қилмоқда, деган фикр билдирилмоқда.

Хабар қилишларича, Оқ уйда ўтказилган махсус кенгашда президент ва унинг атрофидаги кишилар Америка жамоатчилигининг Совет баёнотига зўр қизиқиш билан қараётганлигини ҳисобга олиб, маъмуриятнинг шу хусусдаги фикрини зудлик билан келишиб олдилар. Мажлиснинг якуни президентнинг маъқуллаши билан Оқ уй расмий вакилининг баёноти тарзида ифодаланди. Бу баёнотда ҳозир, К. У. Черненконинг жавобларида таъкидланганидек, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ижобий тарзда ривожлантиришнинг ўрнини олиши мумкин бўлган бошқа оқилона йўл йўқ эканлиги тан олинади ва Совет баёнотини пухта ўрганиш лозимлиги қайд этилади. Аммо шундан кейин Оқ уй К. У. Черненконинг жавобларида кўтарилган конкрет масалаларнинг моҳиятига жавоб бермай, Америка матбуоти ёзганидек, ҳозирги маъмурият учун «ноқулай» бўлган бу масалаларни совет нуқтаи назаридан қандайлиги яхши маълум бўлган Америка ташқи сиёсатининг йўналишларини баён этувчи ташвиқотчилик руҳидаги сийқа иборалари билан алмаштиришга уринади. Америка ахборот воситаларининг уқтиришича, Оқ уйнинг бу тактикасидан кузатилган мақсад ишни проблемаларнинг моҳиятидан четга тортишга уриниб кўришдан иборат.

Оқ уйнинг баёнотида гўё «АҚШнинг ижобий позицияси»дан дарак берувчи мисол сифатида Американинг стратегик қуролларга ва ўртача олисликка учириладиган ядро қуролига, химиявий қурол проблемаларига, Марказий Европадаги қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартиришга тааллуқли эски таклифлари кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг хавфсизлигига зарар келтирадиган тарзда Американинг ҳарбий устунлигини таъминлашни ҳақиқатда кўзда тутадиган ва аслида қуролсизланиш ўрнига Америка ҳарбий қудратини янада оширишга уринишни кўзлайдиган таклифлардир.

## ПОКИСТОНДА ТЕРРОР КАМПАНИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 октябрь. (ТАСС). Исломобод ҳарбий режими граждан ҳуқуқлари учун курашаётган покистонликларга қарши террорни кучайтирмоқда. Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар қилишича, полиция Синд вилоятида Меҳрон ва Синд университетлари ўқувчиларидан бир группасини қаттиқ жазолаган. Студент активларидан 50 га яқин киши икки автобусга тушиб, оппозициячи таниқли арбоблардан бири — Г. М. Сайид билан учрашмоқ учун йўлга чиққан эди. Тиш-тирноғигача қуролланган полициячилар йўлда пистирмада туриб, уларга қарата ўқ уздилар. Маъмурлар. вакилларининг сўзларига қараганда, 11 студент оғир жароҳатланган. Қолган студентлар қамоққа олинган.

Покистондан олинаётган хабарларга кўра, ҳарбий маъмурият оппозициячи сиёсий партияларнинг 218 нафар таниқли арбоби устидан намунали суд ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Синд вилоятида демократия учун курашаётган бир неча киши «бандитизмда» айбланиб, ҳарбий трибунал томонидан ўлимга ҳукм қилинган.




**«Тинчлик кузи-84» шиори остида ўтказилаётган кампания кучайиб бормоқда. Уруш оловини ёқувчиларнинг режаларини барбод этиш, ядро телбалигига йўл қўймаслик, унга қарши курашиш учун аҳоли кенг қатламларини сафарбар этиш — ғарбий германиялик тинчлик тарафдорлари уюшмаси координацион комитетининг ташаббуси билан ўтказилаётган ана шу умуммиллий кампаниянинг асосий мақсадидир. Унда иштирок этаётган коммунистлар, социал-демократлар, «кўкатпарварлар», касаба союзларнинг аъзолари ва аҳолининг тараққийпарвар кайфиятдаги бошқа қатламлари мамлакат территориясида Американинг ракета-ядро қуролларини жойлаштиришни тўхтатишни ҳамда ўрнатилган ракеталарни олиб чиқиб кетишни қатъий талаб қилмоқдалар. Суратда: Гамбург шаҳрида ўтган урушга қарши намойиш қатнашчилари.**

**(ТАСС фотохроникаси).**

## ЭРОН-ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 18 октябрь. (ТАСС). Ўтган кечаси Эрон армияси фронтнинг марказий участкасида 20 километр узунликдаги секторда ҳужум бошлашга уч марта уриниб кўрди. Ироқ бўлинмалари уларнинг бу уринишларига зарба бердилар, душман армияси ва техникасига катта талафот етказдилар, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида.

Кейинги кунлар ичида Ироқ армияси Басрадан шарқ томондаги районда, фронтнинг жанубий участкасида душман позицияларига штурм қилганлиги ҳам хабар қилинади. Кўп киши асир олинган ва қурол-яроғлар қўлга туширилган. Ироқ бўлинмалари белгиланган жанговар вазифани бажариб, аввалги позицияларига қайтиб келганлар.

НИКОСИЯ, 18 октябрь. (ТАСС). ИРНА агентлигининг хабар беришича, бугун Эрон армияси чегара тепаликлари устидан назорат ўрнатиш мақсадида фронтнинг ғарбий участкасида ҳужум бошлаган. Фронтнинг жанубий участкасида катта талафот кўрган Ироқ бўлинмаларининг ҳужуми даф этилганлиги ҳам таъкидланади. Қолган районларда шиддатли отишмалар давом этган. Отишмалар вақтида назорат постлари, пиёдаларнинг яширин жойлари ва душман ҳарбий анжомлари қўйилган дала омборлари яксон қилинган, кўп киши ўлдирилган ва жароҳатланган.

## ЧИЛИ МИНИСТРИ ПЕКИНДА

ПЕКИН, 18 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, Хитой ташқи ишлар министри И. Сюецянь ўз таклифига биноан бу ерга келган Чили диктаторлик режими ташқи ишлар министри Х. дель Валье Альендени қабул қилди ва у билан музокаралар олиб борди.

Ўзаро фикр алмашув чоғида, деб уқтиради агентлик, ҳар иккала томон икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожидан қониқиш изҳор этдилар.

## ЕР КУРРАСИДАГИ ТАБИИЙ ОФАТ

● **НЬЮ-ЙОРК.** Нью-Йорк атрофларида «Жозефина» бўрони ўтди. Тезлиги соатига 136 километрга етган шамол сайр кемасини соҳилга итқитиб юборди ва сув юзасини кўтарди. Натижада Нью-Йоркнинг Лонг Айленд райони ва у билан қўшни Нью-Жерси штатидаги автомобиль йўлларининг айрим участкаларини сув босди.

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистоннинг жанубида қаттиқ қурғоқчилик давом этмоқда. Узоқ вақт ёғин бўлмаганлигидан дарё ва кўллар қуриб қолди, экинларга катта зарар етди. ЮНИ агентлигининг хабар қилишича, 50 миллионга яқин киши очликдан азоб чекмоқда. Ҳиндистонда муқаддас ҳайвон ҳисобланган қорамолни сўйиш ҳоллари ҳам рўй берди. Айни вақтда Ҳиндистоннинг шимолий районларига мавсумий муссон ёмғирлари ёғиб, қаттиқ тошқинлар вужудга келтирди.

● **КОТОНУ.** Узоқ қурғоқчиликдан сўнг кутилган ёмғир Нигер республикасининг шимоли-ғарбидаги Тиллабери шаҳри аҳолисига шодлик келтирмади. Шаҳарга ёққан қаттиқ тропик жала мисли кўрилмаган тошқинни вужудга келтирди. Бу ерда етти соат ичида 206 миллиметр ёмғир ёғди. Нигерда чиқадиган «Сахел Эбдо» газетасининг ёзишича, бу ёғингарчилик кейинги 24 йил ичидаги энг юксак даражадан ҳам уч баравар кўпдир. Тошқин натижасида кўпгина уйлар вайрон бўлди. 125 оила бошпанасиз қолди. Маъмурлар жабрдийдаларга озиқ-овқат билан ёрдам бермоқдалар.

● **ЖАЗОИР.** Кейинги кунлар Жазоирнинг шимолий қисмида ёққан шаррос ёмғирлар натижасида мамлакатдаги катта Шлеф дарёси тошди. Офат шаҳарлардаги нормал ҳаётни издан чиқарди. Пойтахтдаги баъзи кўчалар ва майдонларни сел босди, йўлларнинг айрим участкаларини ювиб кетди бир қанча районлар электр энергиясисиз қолди. Нобуд бўлганлар ҳам бор: бир кишини чақмоқ ўлдирди, 13 киши кўчки натижасида ҳалок бўлди, деб хабар қилади «Ал Мужаҳид» газетаси. Икки юздан кўп оила шошилинч тартибда хавфсиз районларга кўчирилди. Шаҳар маъмурлари табиий офат оқибатларини тугатиш чораларини кўрмоқдалар.

(ТАСС).

